

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

*“Биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама
етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли,
ташаббускор ёшларимизга таянамиз.”*

Нодирбек Кодиров

Наманган давлат университети

Ижтимоий фанлар кафедраси доценти вазифасини бажараувчиси

Яқинда менинг «Problems of the globalization of information culture in the current time» номли монографиям Латвиянинг Рига шаҳрида 9 та тилда нашр этилди ва айни пайтда www.morebooks.shop, www.amazon.com интернет дўконларида онлайн сотувга чиқарилди.

Монографияда жаҳон содир бўлаётган глобал маънавий-маданий инқирозлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиб, глобаллашув жараёнларини янада кескинлашаётгани, умуман глобаллашув жараёнини, хусусан, жаҳон давлатларининг: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлари интеграциялашуви – дунёнинг яхлит ахборот маконини, манзарасини шакллантириб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатаётган, бундай шароитда ахборот – дунё саҳнидаги тарихий рақобат кечадиган соҳага айланиб, “ахборот уруши” деб номланаётган фаол кураш шакли пайдо бўлмоқдаки, бу курашни фақат кишиларда ахборот маданиятини шакллантириш орқалигина енгиш мумкин кўрсатиб ўтилган.

Жаҳон илм-фани шуни кўрсатадики, бугунги кунда етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ахборот маданияти феноменини фалсафий тушуниш, унинг ўзаро боғлиқ томонларини ҳар томонлама таҳлил қилишга имкон берадиган муҳим назарий ва услубий (концептуал), ижтимоий-маданий (ўқув, маданий-маърифий) ва социотехник (ахборотни яратиш, тарқатиш, истеъмол қилиш ва аккумуляция қилиш) ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, айни бугунги глобаллашув жараёнида турли хил ахборотлар воситасида инсон онги ва қалбини эгаллашга бўлаётган уринишлар мазкур муаммони ўрганиш қанчалик даражада муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий ўзгаришларга зарурий мослашишни таъминлайдиган ва ахборот муҳитида муносиб ўринни қафолатлайдиган тафаккур тарзига эга бўлган ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига аланди. “Жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли можаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб

жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда”. Шу боис, бугунги кунда ёшларда ахборот маданиятини юксалтиришнинг самарали йўллари, воситалари ва механизмларини ишлаб чиқиш фалсафий тадқиқотлар доирасида ҳам устувор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 8 февралдаги ПФ-3678-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотимиз мақсади ахборот маданияти генезиси, ретроспектив асослари, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, улар ўртасидаги ворислик муносабатларини, глобаллашув оқибатларини ўрганиб, оптималлаштиришга доир: назарий ҳулосалар, амалий таклифлар ва методологик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотимиз вазифалари эса ахборот маданияти шаклланишини детерминлаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг жамият тараққиётидаги ўзига хос роли, ўрни, функционал аҳамияти глобаллашув жараёни контекстида аниқланган, ахборот маданияти глобаллашуви шароитида, унинг шахс маргиналлашуви, ижтимоий бегоналашуви ва конформизм ҳодисасининг намоён бўлиш шакллари, йўналишлари конкретлаштирилиб, ривожланиш тенденциялари аниқланган, ахборот маданияти натижалари трансформациясининг: техник воситалари, педагогик-дидактик технологияси, тарғибот-ташвиқот коммуникацияси ва инфраструктурасини ривожлантириш усуллари, воситаларини такомиллаштириш имкониятлари кўрсатилган, Ўзбекистон давлатининг глобал ахборот маданияти маконидаги мавқеи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги ислохотчилик сиёсати стратегияси ва тактикаси билан боғланиб, истиқболларини моделлаштириш ва прогнозлаштириш вазифалари белгиланган.

Инсон ўз мавжудлигининг шарти ва ижтимоий фаолиятининг қонуний натижаси бўлган умуман маданияти, хусусан медиа маданияти тарихини,

унинг трансформацияси ва глобаллашиш тенденциясини фалсафа фанининг муқобил назарий-методологик таълимотлари асосларига кўра таҳлил қилиши, жамият барқарор тараққиётини таъминлаши ва уни муқаррар ҳалокатдан қутқариши мумкин.

Ҳар қандай жамиятнинг медиа маданияти ривожланиш барқарорлиги ва цивилизацияси келажагини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий жараёнларни рағбатлантирувчи омилларни, функционал аҳамиятига кўра:

1) дунё халқлари ахборот маданиятининг ривожланиш тажрибаларини умумлаштириш ва миллий тарихий меросидан ижодий фойдаланиб, ижобий анъаналарни давом эттириш – тарихий-ретроспектив асосларни;

2) ахборотлашган жамият барқарорлигини таъминлашнинг муқобил услуб ҳамда воситаларини, ҳаракатлантирувчи мотивлари, механизмларини функционал уйғунлашлаштириш – концептуал-назарий асосларни;

3) ахборот маданияти глобаллашувини: ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга мутасадди миллий ва халқаро ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш – ташкилий-институционал асосларни;

4) ахборот маданияти субъектларининг ахборот маконига мослашуви учун маънавий-руҳий, интеллектуал ва жисмоний адаптацион потенциал имкониятини реализация қилиш – педагогик-дидактик асосларни;

5) ахборот маданиятини яратиш, ривожлантириш ва фойдаланиш самарадорлигини таъминлашнинг назарий, методологик, амалий масаларини конструктив ва рационал ҳал қилиш – интеллектуал асосларни;

6) умуминсоний ахборот маданиятини оммага трансформация қилишнинг оммавий воситалари, коммуникацияси ва инфраструктурасини ривожлантиришнинг – техник-технологик асослари интеграцияси муҳим амалий аҳамиятга эга.

Медиа ахборот шакллари, йўналишлари, трансформация усуллари, технологияси, функционал аҳамияти ва парадигмалари ўзгаришларини баҳолаш мезонлари доимий ўзгариб турганлигидан, кўрсатилган асосларнинг миллий-индивидуал функционал аҳамияти муайян ижтимоий маконда, тарихий замонда конкретлашган тарзда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, глобал ахборот маданиятига нисбатан мустақил таъсир қилувчи ҳар қандай асоснинг самарадорлиги, бошқа асосларнинг ўзаро интеграциялашув хусусиятларга, яъни уларнинг комплекслигига, муштараклашувига боғлиқдир.

Бошқача қилиб айтганда, инсоният тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган ахборот маданиятининг глобаллашуви, ҳеч қандай асоссиз, қуруқ жойда тасодифан стихияли вужудга келган эмас. Аксинча, ўзидан олдин ўтган аждодларнинг тарихий меросига ворислик

муносабатларини ижодий ривожлантириш, тажрибаларини умумлаштириш натижаси ҳисобланади. Шу жумладан, ҳозирги ахборот медиа маданияти глобаллашувини ҳам, умумий ахборот маданияти тарихининг ривожланиш босқичи, конкрет ижтимоий воқеликнинг мавжудлик ҳолати, деб баҳолаш керак.

Бизнинг фикримизча, ахборот маданияти – муайян миллат, давлат ва жаҳон халқларининг ҳозирги ва келажак авлодлар иқтисодий ҳаёти, экологик турмуш тарзи учун зарур моддий шарт-шароит, маънавий-маданий муҳит яратишга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик жамияти институтларнинг рационал усуллардан, конструктив воситалардан, технологик тафаккур тарзидан фойдаланиб цивилизация келажagini сақлаб қолишга йўналтирилган потенциал маънавий-ахлоқий имкониятларини интеграциялаштириш ва реаллаштириш даражасига мос фаолиятининг ривожланиш босқичидир.

Умуман, ахборот маданияти ижтимоий феномени: асосларини ҳам, ривожланиш жараёнини ҳам, натижаларини ҳам, жамият ривожланишининг диалектик бирлиги тарзда қараш методологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Зеро, уни таърифлашда умуман маданиятнинг мазмун-моҳиятидан, ҳаракатлантирувчи мотив-механизмларидан, истиқбол натижалари ва функционал аҳамиятидан, трансформацияси усул ва воситалари характеридан келиб чиқиш керак.

Бошқача қилиб айтганда, ахборот маданиятини ривожлантириш муаммоларга ҳар бир фан, маданият соҳаси йўналишлари контекстида комплекс-системали ёндашилса, унинг моҳияти, мазмуни конкретлашади. Зеро, ахборот маданияти ҳар қандай соҳада нисбатан мустақил, индивидуал намоён бўлиши қарамасдан, умуман жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларидан, жараёнларидан ажралмаган ҳолда шаклланади ва ривожланади.

Чунки ҳар қандай жамиятнинг “ахборот маданияти”, “ахборот истеъмоли маданияти”, “ахборот трансформацияси маданияти”, “ўзаро ахборот айрибошлаш маданияти” ва бошқа хусусий йўналишларининг ривожланишини маданий муносабатлар глобаллашувига асослиги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида конкретлашади ва универсаллашади.

Шу нуқтаи назардан, жамият ахборот маданияти ривожланиш тарихини нисбатан мустақил фан йўналиши сифатида олиб қараш, бир томондан, унинг юқорида кўрсатилган маданият соҳаларига таъсирида дифференциялашиш ва интеграциялашиши жараёнини намоён қилиши; иккинчи томондан, ахборот маданияти асосларининг конкрет-тарихий

хусусиятлари ва ривожланиш даражалари таҳлилида плюралистик ёндашувлар кўзга ташланади.

Лекин инсоннинг мавжуд ахборот муҳитини ҳам, маданиятини ҳам ўзгартиришнинг институционал тизимида субъектив омил – инсон роли устуворлигини эътироф қилиш масаласида, уларнинг умумийлигини кўрамиз, яъни инсон омилининг ахборот маданияти ривожланишига таъсири хусусида турли муқобил дунёқарашлар (манфаатлари ва сиёсий маслақларидан қатъи назар) интегратив характерини ва бу масалада, умуман маданиятнинг, хусусан ахборот маданиятнинг ролини эътироф этишда умумий яқдиллик мавжуд.

Ўзбекистоннинг глобал ахборот маконига интеграциялашувини таъминлашда давлат бош ислохотчилик сиёсати асосий роль ўйнамоқда. Бунга Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларда халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларга интеграциялашув тенденциялари, вазифалари белгиланган миллий юксалиш “Ҳаракатлар стратегияси” дастури ёрқин мисол бўлади. “Бу стратегияни ишлаб чиқишда биз ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва имкониятимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича таҳлил қилдик.

Стратегия – бу янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир”.

Давлатларнинг глобал ахборот маконига интеграциялашуви бир-бири билан боғлиқ икки сиёсий-ташкилий асосга эга, яъни биринчиси – интеграция жараёнини детерминлаштирувчи муайян омил (ёки уларнинг тизими) ролини эътироф этган ҳолда, жамият иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар барқарор ривожланишни таъминлайдиган устувор ижтимоий йўналишни аниқлашдан иборат бўлиб, унинг аҳамияти бир томондан, давлатларнинг ҳар қандай соҳадаги ислохотлари натижалари глобал ахборот маконига интеграциялашув жараёнига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлиб, вазифалар тарихий кетма-кетлигини ва мантиқий изчиллигини белгилайди; иккинчи томондан, ҳозирги даврда “ахборот босимининг” салбий оқибатлари глобаллашаётган шароитда, умуминсоният ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси, барча давлатларнинг халқаро муносабати йўналишларини бир-бирига мослаштиришни, унификациялаштиришни тақозо қилади.

Иккинчиси – ҳар қандай давлатнинг глобал ахборот майдонига интеграциялашув стратегияси ва тактикаси самарадорлиги, бир томондан, миллий даражада концептуал-назарий асослари, методологик тамойиллари илмийлигига, вазифаларни амалга оширишнинг конструктив усуллари ва

рационал воситаларидан фойдаланиш технологияси мукамаллигига; иккинчи томондан, глобал миқёсда “ахборот агрессияси” ва “ахборот экспансияси” олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишга мутасадди халқаро институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришда “халқ дипломатияси”, “тўртинчи ҳокимият” – оммавий ахборот воситалари, “бешинчи ҳокимият” – жамоатчилик фикри имкониятларидан фойдаланиш кутилган самарани беришини ҳаётий тажрибалар кўрсатиб турибди.

Шунинг учун давлатларни иқтисодий ривожланиши, сиёсий тизими, мафкуравий позицияси ва бошқа характерли хусусиятларидан қатъи назар глобал ахборот маконига интеграциялашиш сиёсатининг миллий концептуал доктриналарини шакллантириш ва уларни ҳаётга жорий қилиш самарадорлигини таъминлашга мутасадди халқаро ва миллий ташкилотлар фаолиятини уйғунлаштириш – замонавий глобал постиндустриал-ахборотлашган жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида қаралиши керак.

Ваҳоланки, мустабид тизим даврида собиқ СССР таркибидаги давлатларда яшовчи халқларнинг глобал ахборот маданиятига интеграциялашув сиёсати стратегияси ва тактикаси миллий тараққиёт эҳтиёжлари, ментал талаблари асосида эмас, балки “қизил империя”нинг геосиёсий стратегик манфаатлари нуқтаи назаридан белгиланган. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришган давлатларда глобал ахборот маданиятига интеграциялашувни ташкил этиш, ахборот маданияти трансформацияси ва уни ривожлантириш сиёсатининг махсус йўналиши сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистоннинг интеллектуал ва моддий-техник салоҳияти потенциали (объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари комплекси). Унинг **глобал ахборот маданияти муҳитига** мослашиб, ривожланиш жараёнига фаол интеграциялашув имкониятларини яратмоқда. Бу имкониятларни реалликка айлантириш учун миллий ривожланиш стратегиясини минтақавий ва глобал стратегик вазифалар билан уйғунлаштиришнинг рационал усулларини, конструктив воситаларини топишига муқобил йўл йўқ.

Бунда асосий масала – ахборот маданияти глобаллашуви оқибатларини объектив баҳолаш мезонлари ва индексларини аниқлаб, турли ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг оммавий институтлари томонидан унинг йўналишларини мувофиқлаштиришда “эҳтиёж-мақсад-восита-натижа” тизимининг ўзаро бирлигини таъминлашдан иборат, чунки ҳар қандай жамиятда цивилизация натижаларини “ҳазм қилиш” имконияти ахборот маданиятининг ривожланиш даражасига, давлатларнинг шу соҳадаги ички ва ташқи маънавий-мафкуравий сиёсати самарасига боғлиқ

бўлиб, унинг халқаро муносабатларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий, ғоявий-мафкуравий позициясини ва мавқеини белгилайди.

Давлатларнинг ахборот маданияти глобаллашувига муносабатини, шартли равишда, қуйида кўрсатилган босқичларга ажратиб ўрганиш, муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга, яъни:

ахборот маданияти глобаллашуви оқибатларининг миллий, ҳудудий, умуминсоний муаммолари индивидуаллигини, ўзаро ички корреляцион боғлиқлигини ва уларни ҳал қилиш самарадорлигининг ижтимоий эҳтиёж ва заруриятга адекватлигини англаш – биринчи босқич;

ахборот маданияти муаммоларини бартараф қилишнинг потенциал имкониятларини, рационал усулларини, конструктив воситаларини топиш, ижтимоий-сиёсий институтларини шакллантириш ва уларнинг функционал алоқадорликларини таъминлаш – иккинчи босқич;

ахборот маданияти глобаллашувининг ижобий, натижаларини халқаро миқёсда трансформация қилиш коммуникацияси, инфраструктураси ва халқаро кооператив ташкилотлари, институтчионал тизимини шакллантириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш – учинчи босқич.

Бу босқичлар ўзаро ички тарихий-мантқиқий изчилликка, боғлиқликка эга бўлса ҳам, ҳар бири фалсафанинг алоҳидалиқдан махсуслик орқали умумийликка ўтиш тамойилига асосан ўзига хос вазифалар комплексини бажаришига кўра, конкрет функционал аҳамиятга эга.

Ҳулоса қилиб айтганда, биринчидан, Ахборот маданияти, муайян халқ ва давлатнинг моддий-иқтисодий, маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий муносабатларини муштарак-муҷассам намоён қилувчи кенг қамровли ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсирида, индивидуал ҳамда ижтимоий даражаларда шаклланади ва ривожланади. Яъни ҳар қандай халқ ва давлат ахборот маданиятининг ривожланиш босқичлари тарихий меросини ижодий ривожлантиришига ва жамиятининг мавжуд ижтимоий-сиёсий объектив шарт-шароитига, унинг умуминсоний маданий мероси ва маънавий қадриятларини кишилар томонидан ўзлаштирилишига боғлиқ бўлади, иккинчидан, Ахборот маданияти босқичларини даврлаштиришнинг муқобил назарий таълимотлари ва амалий методларига комплекс-тизимли ёндашув, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳодисалар *сублимацияси* (лотин тилида – *sulimare* – анъанавий ривожланиш тамойиллардан четлашган ҳолда, янги босқичга ўтиш деган маънода ишлатилади) механизмларини аниқлашга хизмат қилади. Бу ўринда айрим давлатларда миллий ахборот маданияти ривожланишининг умуминсоният тарихи учун умумий бўлган анъанавий классик босқичларини босиб ўтмасдан, нисбатан юқори поғонага

кўтарилишида (ёки тартибдан тартибсизликка ўтиши) флуктуация ва бифуркацияси қатор муаммолар вужудга келишига ва глобаллашувига асосий сабаб бўлиб, инсоният ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзини белгилаб берганлиги кўзга ташланади, учинчидан, Ахборот маданияти босқичларини даврлаштиришнинг муқобил назарий таълимотлари ва амалий методларига комплекс-тизимли ёндашув, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳодисалар *сублимацияси* (лотин тилида – *sulimare* – анъанавий ривожланиш тамойиллардан четлашган ҳолда, янги босқичга ўтиш деган маънода ишлатилади) механизмларини аниқлашга хизмат қилади. Бу ўринда айрим давлатларда миллий ахборот маданияти ривожланишининг умуминсоният тарихи учун умумий бўлган анъанавий классик босқичларини босиб ўтмасдан, нисбатан юқори поғонага кўтарилишида (ёки тартибдан тартибсизликка ўтиши) флуктуация ва бифуркацияси қатор муаммолар вужудга келишига ва глобаллашувига асосий сабаб бўлиб, инсоният ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзини белгилаб берганлиги кўзга ташланади, тўртинчидан, Ҳозирги даврда, жаҳон ҳамжамияти томонидан халқаро муносабатлар интеграцияси умуминсоният ахборот маданияти глобаллашуви ютуқларини сақлаб қолишнинг асосий имконияти сифатида эътироф қилмоқда. Зеро, “оммавий маданият” таҳдиди глобаллашуви олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишга йўналтирилган мафкуравий усул-воситаларини, ижтимоий-сиёсий механизмларини, технологик асосларини, интеллектуал салоҳиятни, ахборот базасини, халқаро институционал тизимини ривожлантириш, тарихий давр тақозосига айланди. Бунинг учун глобал маънавий инқироз муаммолари ечимига комплекс-системали ёндашиб, айрим давлатларнинг утилитар-меркантил миллий эгоистик, этноэгоцентристик манфаатларини мутлақлаштиришига қарши халқаро институционал тизимини, қонуний-ҳуқуқий маконини яратиш талаб қилинмоқда, бешинчидан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш, демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини яратиш тамойиллари белгиланган миллий тараққиётнинг “ўзбек модели” ва “Ҳаракат стратегияси” вазифалари давлатимизнинг глобал ахборот маданиятига интеграциялаштириш модели моҳиятини ташкил қилади. Шу жумладан, республикамизда миллий хавфсизликни таъминлашнинг ташқи сиёсати конструктивлиги ва рационалиги халқаро ҳуқуқ нормаларига, ахборот маданиятининг умуминсоний маънавий-ахлоқий тамойилларга тўлиқ мос келиши ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши, дунё сиёсий ҳамжамиятидаги ўрнини ва мақомини кўрсатади, олтинчидан, Ахборот маданияти миллий тараққиёт ва хавфсизлик моделларининг объектив воқеликка адекватлиги ва илмий асосланганлиги, унинг истиқболли йўналишларни аниқлаш, стратегик

вазифаларни режалаштириш, келажagini реал прогнозлаштириш илмийлигига мос равишда ривожланади. Шу жумладан, янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий мавқеи мустаҳкамланиб боришида турли миллат, элат, социал бирликлар ва диний конфессиялар ўртасида мурося ва толерантлик тамойилига, Конституцияга асосланган давлат миллий сиёсати асосий роль ўйнамоқда.

Ахборот маданияти глобаллашуви жараёнини моделлаштириш ва истиқболини прогнозлаштириш зарурияти, унинг назарий, методологик асосларини амалиётда қўллашга йўналтирилган концептуал илмий ғоялар, фаразлар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да: “Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.” ва 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис Палаталарига Мурожаатномасида: “Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз” деб таъкидлаган фикрлари бизни янги марраларга чорлайди.